

Ижтимоий Муаммолар Митинг, Йиғилиш ва Намойишларни Келтириб

Чиқарувчи Омил Сифатида

Отабек Нарзуллаев

Мустақил изланувчи, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

E-mail: n.otabek1993@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ижтимоий муаммолар митинг, йиғилиш ва намойишларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири эканлиги тўғрисида фикр юритилган. Бундан ташқари, “ижтимоий муаммо” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, қонунчиликка киритиш масалалари тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш масаласининг долзарблиги илмий-амалий ва хуқуқий жиҳатдан асослантирилган.

Калит сўзлар: ижтимоий муаммо, жамоат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, митинг, йиғилиш, намойиш.

Социальные Проблемы Как Фактор, Способствующий Возникновению

Митингов, Собраний И Демонстраций

Отабек Нарзуллаев

Самостоятельный соискатель Академия МВД Республики Узбекистан

E-mail: n.otabek1993@mail.ru

Аннотация

В данной статье рассматривается, что социальные проблемы являются одним из факторов, способствующий возникновению митингов, собраний и демонстраций. Кроме того, было разработано авторское определение понятия «социальная проблема» и упомянуты вопросы включения в законодательство. Также, научно-практически и юридически обоснованы актуальность вопроса связанные с устранением социальных проблем в обеспечении общественной безопасности.

Ключевые слова: социальная проблема, общественная безопасность, обеспечение общественной безопасности, митинг, собрание, демонстрация.

Social Problems as A Factor Contributing to The Emergence of Rallies, Meetings and Demonstrations

Otabek Narzullayev

Independent researcher Academy of the Ministry of

Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: n.otabek1993@mail.ru

Abstract

In this article, it is considered that social problems are one of the factors contributing to the emergence of rallies, meetings and demonstrations. In addition, the author's definition of the concept of "social problem" was developed and the issues of inclusion in the legislation were mentioned. Also, the relevance of the issue related to the elimination of social problems in ensuring public safety is scientifically, practically and legally justified.

Keywords: social problem, public safety, ensuring public safety, rally, assembly, demonstration.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни ташкил этишнинг мутлақо янги механизми ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Шунга қарамасдан, ўтказилаётган митинг, йиғилиш ва намойишлар жамоат хавфсизлигига таҳдидларни келтириб чиқараётган бир пайтда уларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоратадбирларни кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, Instagram, YouTube, Facebook ҳамда бошқа интернет ижтимоий тармоқлари орқали митинг, йиғилиш ва намойишлар билан боғлиқ жараёнларнинг ёритилиши кучаймоқда. 2021 йилнинг ўзидағина Интернет ижтимоий тармоқларида шов-шувга сабаб бўлган бир қатор митинг, йиғилиш ва намойишлар амалга оширилганлиги кўришимиз мумкин, жумладан:

2021 йилнинг 6 апрель куни бир гурух фуқаролар чорва моллари учун яйловлар хусусийлаштирилиб берилаётганлигидан норози бўлиб, ўз подасини Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани ҳокимлиги биноси олдига ҳайдаб келишган [1];

2021 йилнинг 15 май куни Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги биноси яқинида иш ҳақлари тўланмаган қурувчилар норозилик билдириб, намойишга чиқсан [2];

2021 йилнинг 5 июль куни 13 нафар фуқаро томонидан Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида электр таъминоти билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш юзасидан “Айратом” станциясида “Афросиёб” тезюар поезди йўлини тўсиш ҳаракати амалга оширилган [3]; 2021 йилнинг 9 декабрь куни Тошкент шаҳрида “Кўйлиқ” бозорининг кўчирилишига қарши ноқонуний митинг ўтказилган [4];

2021 йилнинг 11 декабрь куни “Қашқадарё нефть-газ қурилиш ва таъмирлаш” АЖнинг 30 нафарга яқин ишчи ходимлари вилоят ҳокимлиги олдида маошсиз ишлаётгани боис, оиласида муаммо юзага келганини айтиб намойиш ўтказган [5];

2021 йил 17 декабрь куни Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Ободонлаштириш бошқармаси ишчилари бир неча ойдан бери ойлик маошини тўлиқ миқдорда олмаётганлиги, доимий кечиктирилиши ва қисқартирилишидан норози бўлиб, Чилонзор тумани ҳокимияти олдида тўпланиб намойиш ўтказган [6].

Юқоридаги ҳолатларни таҳлил қилар эканмиз, ишсизлик, иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги, сув, элект, газ таъминоти билан боғлиқ ижтимоий муаммолар митинг, йиғилиш ёки намойишларни юзага келишида асосий омиллардан бири ҳисобланмоқда. Демак, аҳолининг ижтимоий муаммоларини аниқлаш, ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини кўриш митинг, йиғилиш ва намойишларни юзага келишини олдини олишга хизмат қилади, деган хulosага келишимиз мумкин. Лекин, қандай муаммолар ижтимоий муаммо эканлигига аниқлик киритиш лозим.

“Ижтимоий муаммо” тушунчасига турли таърфлар мавжуд. Айрим манбаларда, “ижтимоий муаммо” жамият азият чекадиган ва аҳолининг айрим тармоқларига бошқаларга қараганда кўпроқ таъсир қиладиган қийинчиликлар сифатида таърифланиб, жиноятчилик гиёҳвандлик, ирқий ёки жинсий камситиш ёки қашшоқлик бунга мисол сифатида келтирилган [7]. Айрим манбаларда эса жамият ҳаётига бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган муаммоларни ижтимоий муаммо сифатида баҳоланиши айтиб ўтилган [8].

Аммо, қонунчилик хужжатларини таҳлил қилар эканмиз, “ижтимоий муаммо” тушунчасига таъриф бирорта қонун хужжатларида акс этмаган. Бу эса чоратадбирларнинг йўналишини белгилашда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шундай экан, жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш аҳоли тинчлиги ва осойишталигини, қолаверса, жамоат хавфсизлигини таъминлаш омили ҳисобланиб, уларни ҳал этиш чораларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш барқарорлик кафолатидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хulosаларга келишимиз мумкин:

- ижтимоий муаммолар жамиятда норози кайфиятни юзага келтириб чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланиб, унинг натижасида жамоат хавфсизлигига турли таҳдидлар пайдо бўлади;

- маҳаллий ҳокимликларда аҳолининг ижтимоий муаммоларини аниқлаш, бу тўғрисида тегишли корхона, муассаса ва ташклотларни хабардор қилиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини амалга ошириш фаолияти билан шуғулланувчи масъул ходимларни ажратиш лозим;
- “ижтимоий муаммо” тушунчасини қуидагича баён этиш ва қонунчиликка киритиши, яъни ижтимоий муаммо – жамият ҳаётида жиддий муаммо деб ҳисобланадиган, ислоҳот ва ечим талаб қиласиган ҳар қандай вазият (ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, вояга етмаганлар хуқуқбузарлиги, аҳоли саломатлиги ва бошқалар).

Адабиётлар рўйхати; Библиографические ссылки; References:

1. Пастухи в Узбекистане вышли на митинг со стадом баранов [Электрон манба] // URL: [https://www.facebook.com/CurrentTimeAsia/videos/пастухи-в-узбекистане-вышли-на-митинг-со-стадом-баранов/ 208340127319962/](https://www.facebook.com/CurrentTimeAsia/videos/пастухи-в-узбекистане-вышли-на-митинг-со-стадом-баранов/)
2. Чирчиқда ҳокимлик биноси олдида намойишга чиққан қурувчиларнинг иш ҳақини тўламаган тадбиркор жаримага тортилди [Электрон манба] // URL: <https://daryo.uz/k/2021/05/12/chirchiqda-hokimlik-binosi-oldida-namoyishga-chiqqan-quruvchilarning-ish-haqini-tolamagan-tadbirkor-jarimaga-tortildi/>
3. Девять человек, перекрывших железную дорогу из-за проблем с электричеством, отправили на 15 суток за решетку [Электрон манба] // URL: <https://podrobno.uz/cat/proisshestviya/devyat-chelovek-perekryvshikh-zheleznyyu-dorogu-iz-za-problem-s-elektrichestvom-otpravili-na-15-suto/>
4. Ташкентцы, перекрывшие дорогу из-за переноса крупнейшего в городе рынка, получили от 5 до 7 суток ареста [Электрон манба] // URL: <https://mediazona.ca/news/2021/12/12/koilek>
5. Қашқадарёда ишчиларидан салкам 2 млрд сўм қарздорлиги бўлган ташкилот ходимлари вилоят ҳокимлигига тўпланди [Электрон манба] // URL: <https://daryo.uz/k/2021/12/14/qashqadaryoda-ishchilaridan-salkam-2-mlrd-som-qarzdorligi-bolgan-tashkilot-xodimlari-viloyat-hokimligida-toplandi/>
6. Чилонзор тумани ободонлаштириш ходимлари ҳокимлик олдида тўпланди. Ҳоким улар билан учрашди [Электрон манба] // URL: <https://kun.uz/news/2021/12/17/chilonzor-tumani-obodonlashtirish-xodimlari-hokimlik-oldida-toplandi-hokim-ular-bilan-uchrashdi>
7. Ijtimoiy muammolar: xususiyatlari, sabablari, misollari [Электрон манба] // URL: <https://uz.warbletoncouncil.org/ejemplos-de-problemas-sociales-16401#menu-17>
8. Asosiy Ijtimoiy Muammolar [Электрон манба] // URL: <https://uz.birmiss.com/asosiy-ijtimoiy-muammolar/>